



Tadqiqot.UZ

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



31 ОКТЫАВР
№33

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 33-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
14-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
33-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-14**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
33-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-14**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 33-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА ДИЗАЙН

1. УмидА Ахмедходжаева

1960-1980 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ПОРТРЕТ САНЪАТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ,
АСАРЛАРДА ЗАМОНДОШ-ЗИЁЛИЛАР ОБРАЗЛАРИ..... 7



ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА ДИЗАЙН

1960-1980 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ПОРТРЕТ САНЪАТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ, АСАРЛАРДА ЗАМОНДОШ-ЗИЁЛИЛАР ОБРАЗЛАРИ

УмидА Ахмедходжаева
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
Тел: 998-97-3304256
umida-fazilova@mail.ru

Аннотация: Ушбу илмий мақола “Ўзбекистон портрет жанрида шахс концепцияси” масаласига бағишиланган бўлиб, унда Ўзбекистон портрет жанрининг 1960-1980 йиллар давридаги тараққиётида кўплаб ўзгаришларларни ўзида мужассам этиб, рассом асарлардаги бош образ бўлмиш замондош-зиёли инсон ва янги маънавий қиёфадаги шахс тасвирини акс эттириш каби бош ғояни ифодалаб, ҳозирги кун Мустакиллик даври санъатига-ча бўлган тараққиёт йўли қунт билан ўрганилиши, турли даврларда портрет асарлардаги шахс сиймоси қай юсинда тасвирлаб берилиши, унга таъсир этувчи ғоявий, ижтимоий ва сиёсий омилларни аниқланиши ҳамда даврий босқичлардаги бадиий тафовутларни таҳлил қилиниши, солиштирилиши ва унинг специфик трансформациясини кузатилиши тезис-нинг қисқача мазмунини ташкил этади.

Калит сўзлар: Портрет жанри, автопортрет, қаҳрамон шахс образи, типик-умумлаштирилган образи, этнографизм, психологизм, сюжетлилик, линеарлик, символизм.

Ўзбекистон портрет жанрининг 1960-1980 йиллар давридаги тараққиётида кўп ўзгаришлар содир бўлиб, эндиликда рассом асарлардаги бош образ бўлмиш замондош-зиёли инсон ва янги маънавий қиёфадаги шахс тасвирини акс эттириш бош ғояга айланди.

Бундай одам тимсоли ҳар кун, ҳар соатда идеалга яқинлаштирилган ҳолда шаклланиб, унда маънавий бойлиқ, аҳлоқий софлик, жисмоний мукаммаллик каби фазилатлар мужас-самланган.

Рассомларнинг асосий мақсади портретлар тематикасини кенгайтириш ва портрет турларини юқори савияда ўзлаштиришдан иборат. Бу даврда Р.Ахмедов, А.Абдуллаев, Н.Қўзибоев, В.Фадеев, Н.Кашина, З.Иногомов, Ю.Елизаров, Ч.Аҳмаров, М.Сайдов, Т.Оганесов, А.Винер, М.Набиев, А.Волков, Р.Чориев, З.Ковалевская, А.Исмоилов, Т.Курязов ва бошқа портретнавис рассомлар ижод қилган. Ҳаётни фалсафий идрок этишига интилиш кучая бошлади. Ҳар бир даврда ижодкор инсонлар, маданият арбоблари, халқнинг эъти-борида бўлишган. Рассомлар эса уларни ўз асарларида абадий муҳрлашга интилишган. Мазкур мавзудаги портретларга қўйидагилар киради:

А.Абдуллаевнинг “Кинорежиссер К.Ёрматов портрети” (1952-йил), “Актриса Матёқубова портрети” (1957-йил), “Ёзувчи Собир Абдулла портрети” (1958-йил), “Ҳамид Олимжон портрети” (1964-йил), В.Фадеевнинг “Рассом Н.Кашина портрети” (1958-йил), “Инқилоб шоирлари, Хамза ва Маяковский” (1964-йил), Ю.Елизаровнинг “Рассом Р.Тимуров пор-трети” (1958-йил), “Ўзбекистон адабиёти ва санъати намоёндалари” (1958-йил) гурухли портрети, “Рассом Ўрол Тансикбоев портрети” (1963-йил), Ч.Аҳмаровнинг “Зульфия портрети” (1965-йил), “Рассом Р.Тимуров портрети” (1961-йил), В.Волковнинг “Қизиқчи Юсуфжон Шакаржонов портрети (1959-йил), “Дўстимиз Пикассо” (1963-йил), Рўзи Чори-евнинг “Қўшиқчи Ботир Зокиров портрети” (1967 йил), “Барно Шодиева портрети” (1969 йил), “Композитор Икром Акбаров” (1970-1971 йил), “Санъатшунос Токтош портрети” (1972 йил), “Г.А.Пугаченкова портрети” (1974 йил), “СССР халқ артисти М.Қаюмов пор-трети” (1974 йил), “Санъатшунос А.Умаров портрети”(1977 йил), “Тарихчи Олимовнинг



портрети” (1978 йил), “Толипов Қаюмнинг портрети” (1979 йил), “Зебохон портрети.(Афсона)” (1979 йил), “Елена Скоморовская” (1979 йил), “Р.Караклаич портрети” (1980 йил), “Нурали Қобулов портрети” (1979-1980 йиллар), “Ноила Мирсолихова портрети” (1980 йил), “Прозаик Нодир” (1980 йил), “Рассом В.А.Баженов портрети” (1980 йил), “Фижжакчи Шухрат Йулдошев портрети” (1987 йил), З.Ковалевскаянинг “Рассом Ракова портрети” (1963-йил), Г.Ульконинг “Халқ устаси Ҳазратқулов портрети” (1961-йил), “Халқ устаси Жўракулов портрети” (1965-йил).

“XX асрнинг 60-йиллар ўрталари ва 70-йиллар тасвирий санъатида ўзбек санъатидаги изланишлар факат пластик масалалар билан чегараланмай, балки кенг кўламда ижодкорларда ижтимоий мавзуларга нисбатан инсон ўй-хаёллари оғушига мурожаат қилиш етакчи ўринга ўта бошлади.

60-йиллар охиридан санъат оламига кириб кела бошлаган Сайдулла Абдулаев, Шуҳрат Абдурашидов, Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзаев, Баҳодир Жалолов, Максуд Тўхтаев, Курбонбой Бекчанов ва бошқа ижодкорларнинг асарлари шуҳрат қозонди” [1].

“Ўтган асрнинг 70-йиллари бу ижодкорларнинг шаклланиш йиллари бўлди. Уларнинг кўпчилиги ўз ижодини аньанавий реалистик услубда асарлар яратиш билан бошлаб, унинг янги ифода имкониятларини қидирдилар. “Рассом П.П.Беньков портрети” да чинакам улкан истеъдод эгаси, бетакрор рассомнинг гўзал ботиний дунёси, унинг чехрасидаги чуқур руҳий кечинмаларни кўриш мумкин. Рассом ўтирган ҳолатда, гўёки маълум бир предметга ўз назарини ташлаб, коғозга расмини туширмоқчи бўлгандай. П.Беньков кўзларида ички мушоҳадакор ўйларини, баланд парвоз ижодий ғоялар мавжудлигини сезиш даркор.

Бундан ташқари, “Рассом аёл Ракова портрети” (1963-йил) асарида З.Ковалевскаянинг юксак маҳорати яна бир бор исботланиб, портретнинг рангтасвириона-пластиклиги алоҳида ажralиб турган” [2].

Тасвиранувчини характеристи кенг тарзда очиб берилиб, хис-туйғуларининг самимилиги, уни хатти-харакатлардаги табиийлик инсонни ўзига жалб этади. Ракова ёрқин-фазовий рангдаги интеръерда тасвирланиб, ниҳоятда ҳаётий жозибадорлиги томошабин диққатини тортади.

“Ўзбекистон портрет жанри ривожига салмоқли хиссасини кўшган бетакрор рассом Малик Набиев ўзининг илк портретларини 1930-йилнинг охирида яратган. У тасвирий санъат сирларини О.Татевосян, Усто Мўмин, В.Еремян каби етук рассомлардан ўрганган. Мусаввир, портретларда тасвиранувчи шахснинг ташки қиёфадаги этник жиҳатларга алоҳида эътибор қаратган. Ўз она юрти, миллати, ҳар бир одами, ҳолати, қувонч ва ташвишларни англашга ҳаракат қилган.

Ўзбек одами қандай кўринишда, нимаси билан бошқалардан фарқ қилишни синчковлик билан кузатган. Турли миллат қиёфаларини тасвирлаган рус рассомлари М.Курзин, А.Волков, Н.Розанов, П.Беньков, А.Николаевлар асарларини кўриб чиқиб, улардаги бевосита образларнинг турфа характерлари билан танишган. Малик Набиев бу мусаввирлар ижодида рассомлик маҳорати кучли бўлган академистик йўналишга хос томонларини сизиб, ҳаётни аниқ нишонга олган реалистик услубни пайқаган”.

У Н.Розановнинг «Ўзбек чилими билан» асарини Ўрол Тансиқбоевнинг 1927-йилда тасвиранган «Ўзбек портрети» ни бир-бирига таққослаб, кўрган. Ўзбек мусаввирларидан яна бири Сиддиқийнинг «Колхозчи» портретини рангтасвирида томоша қилганда меҳнаткаш, жафокаш дехқон аҳволига ачинди. Шўрлик ўзбек йигити далада тиним билмай, совуқми, жазира мақсади ишлайвериб, ёшлик чоғидаёқ йўқчилик изтиробидан юзларини ажин чизиқлари босибди.

Тасвир ғоясидан ҳам кўра рассомнинг ҳақгўйлиги, ўзбекни адолатли замон келибди, деб алданган изтиробли қўринишлари ўхшатиб акс эттирилгани қизиқтиради. Малик Набиев ўзбеклар қиёфасини томоша қилаверишдан бўлса керак, рангтасвирининг портрет жанрига қизиқиб, инсон ҳаётини қайси даврда яшамасин рўйи рост тасвирлашга киришади.

Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев минг-минглаб муҳлислар орттирган улуғ мусаввир эди. Рассом Ўзбекистоннинг гўзал жойларидан бири-истеъодли шоирлар, рассомлар, ёзувчилар плеядасининг Ватани бўлган хушманзара Сурхон воҳасида туғилган. Унинг эстетик дидининг шаклланишида бу ўлканинг гўзаллиги унутилмас таъсир кўрсатди.

Рўзи Чориев портретларида кучли психологизмни кўриш мумкин. У картиналарида ҳар доим бор ҳақиқатни ифодалашга интилар эди. Чунки “сохта идеаллик” томошабин



диққатини ўзга жалб қилмайди. Аксинча, фақатгина ўзидан четлатади. Албатта ҳар бир инсон мукаммалликка интилади, яхшилликка ишонади, бироқ ёлғон, соxта идиллия инсон қалбида хеч қандай ўрин эгалла олмайди. Бу улуғ мусаввир ижодида танланган образлар, хилма-хил сюжетлар табиий равиша акс этган. Рўзи Чориев портретлари асосан йирик икки тоифага ажратилади. Бири қишлоқ аҳли портретлари бўлса, иккинчиси шаҳар аҳли портретларидир. Унинг асарлари хронологик тартибда эса мустақилликка қадар бўлган даврда ҳамда мустақиллик даврида яратилган.

Мустақилликка қадар яратилган қишлоқ аҳли портретларида ўз миллатига бўлган эзгу, самимий ҳис-туйғулар жўшқинланади. Асар колорити ёрқин, рассом шартли белгилардан фойдаланган. Рассомни қишлоқ одамининг маънавий-ахлоқий аҳволи, турмушга фалсафий қарашлари ўйлантиради. “Сайроблик чол” (“Оқсоқол Ризаев портрети”) асарида ҳаётнинг аччиғу-чучугини кўрган, қари-мехнаткаш қўллари билан ўз белбоғини маҳкам ушлаб, донишманд нигоҳи билан ўйчан қараб ўтирган қария тасвирланган. Унинг мағруона, насиҳатгўй нигоҳи ичра яшаб ўтилган йилларни, қолаверса ҳалолликни кўриш мумкин. Қариянинг бошида ним оч ҳаворанг салла, оқ кўйнак ҳамда устида яшил тўн тасвирланган. Кўксида эса меҳнат фахрийси эканлигини исботлаб берувчи орден ҳам акс этирилган. Оқсоқол Ризаев гўё, томошабинни доимо яхшиллик қилишга чорлаётганидек. Унинг кўзлари самимиyдир. Нигоҳи ўткир бўлмасада, аммо эътиборни ўзига жалб этади. Бу портретни психологик портретлар гуруҳига ҳам киритиш мумкин. Чунки қариянинг характеристи юқори бадиий савияда тасвирланган. “Рўзи Чориев чизган Ўзбекистон маданийти арబоблари портретлари сериясида шахснинг ижодий характеристи намоён бўлади. Рассом Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, Р.Тоқтош, И.Акбаров, Б.Зокиров, Қ.Башаров портретлари орқали ижодкорнинг маънавий интеллектуал ва иродиа фазилатларининг юксак даражада намоён бўлишини кўрсата олган” [4].

Ўзбекистон портрет санъати тараққиётида 1960-1980 йиллар алоҳида аҳамият касб этиб, портретларда шахс концепцияси бутунлай ўзгарган бўлиб, эндиликда тасвирланувчи шахснинг характеристи, унинг ички кечинмалариiga кўпроқ урғу берилиб, образнинг фалсафий мушоҳадакорлигини матода яққол тасвирлаб беришга бўлган эҳтиёж тобора кучайиб борган. Бу эса портретларнинг бадиий маҳорати мукаммаллашиб кетганидан далолат берган.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 33-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(14-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.10.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000